

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 186 (7326).

30 сентябрь, 1980 йил

СЕШАНБА

Баҳоси 2 тийин.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ
СОВЕТ ИТТИФОҚИ ҚАҲРАМОНИ,
СССРНИНГ КОСМОНАВТ-УЧУВЧИСИ
Ю. В. РОМАНЕНКОНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ ВА
ИККИНЧИ «ОЛТИН ЮЛДУЗ» МЕДАЛИ
БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексидаги космик учирни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССРнинг космонавт-учувчиси ўртоқ Юрий Викторович Романенко Ленин ордени ва иккинчи «Олтин Юлдуз» медали билан мукофотлансин.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони ўртоқ Ю. В. Романенконинг жасоратини нишонлаш юзасидан қаҳрамоннинг юртида бронза бюсти ўрнатилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг

Райси

Л. БРЕЖНЕВ,

СССР Олий Совети Президиумининг

Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил 26 сентябрь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ
КУБА РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ГРАЖДАНИ
ТАДҚИҚОТЧИ КОСМОНАВТ АРНАЛЬДО
ТАМАЙО МЕНДЕСА СОВЕТ ИТТИФОҚИ
ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ
ТЎҒРИСИДА

«Салют-6» — «Союз» орбитал илмий-тадқиқот комплексидаги космик учирни муваффақиятли амалга оширганлиги ва бунда мардлик ҳамда қаҳрамонлик кўрсатганлиги учун Куба Республикасининг граждани тадқиқотчи космонавт Арнальдо Тамайо Мендеса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилди, Ленин ордени ва «Олтин Юлдуз» медали топширилсин.

СССР Олий Совети Президиумининг

Райси

Л. БРЕЖНЕВ,

СССР Олий Совети Президиумининг

Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1980 йил 26 сентябрь.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ МЕҲНАТКАШЛАРИ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ЎНИНЧИ
БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ—29 СЕНТЯБРДА БАЖАРДИЛАР.
БЕШ ЙИЛЛИК БОШИДАН БУЁН ДАВЛАТ ҚАБУЛ ПУНКТЛАРИГА 2.095.849 ТОННА
«ОҚ ОЛТИН» ЕТКАЗИБ БЕРИЛДИ.

▲ Бўка райони пахтакорлари беш йиллик плани биринчилар қатори адо этишди. Улар беш йиллик бошидан бери давлатга 331.936 тонна пахта топиришди. Бу ўнинчи беш йиллик планда белгиланганидан 21.936 тонна кўпдир.

▲ Галаба райони дала меҳнаткашлари ҳам беш

йиллик плани анча ошириб бажаришга муваффақ бўлишди. Улар қабул пунктларига 288.468 тонна, планда белгиланганидан 10.520 тонна кўп қиммат-баҳо хомашё етказиб бердилар.

▲ Ўнинчи беш йиллик бошидан бери Янгийўл райони давлатга 166.590 тонна, Чиноз райони —

161.523 тонна, Коммунистик райони 135.162 тонна пахта топириб, плани ошириб бажаришга эришишди.

▲ Беш йиллик маррани эгаллаган областимиз пахтакорлари яхунловчи йил план ва мажбурият-

ларини ҳам муддатидан илгари бажариш учун курашяптилар. Улар ҳозиргача Ватанга 312.269 тоннадан зиёд «оқ олтин» армуғон этишди. 28 сентябрда қабул пунктларига 21.675 тонна пахта етказиб берилди. 435 минг тонна Тошкент «оқ олтин»и учун кураш қизгин давом этапти!



Оққўрғон районидagi Охунбобоев номи колхоз миришкорлари 1590 гектар ернинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил йиғиб олиш учун курашмоқдалар. Дала-ларда 32 та терим агрегати ишлаб турипти. Машиналар хирмонга барака қиритмоқда. Суратларда: (чапдан) машина терими пайти. Колхоз райси Ш. Абдурахмонов, (ўртада) қишлоқ Советининг райси У. Бакиров ва участка бошлиғи С. Бозор-боев ўртоқлар.

НАМУНА БЎЛМОНДАЛАР

БўКА. Тимирязев номи колхоз деҳқонлари 1040 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 34 центнердан пахта топиришди ва плани бажарганликлари ҳақидаги галаба рапортга имзо қилишди. Бу ҳосилнинг 3100 тоннаси машиналарда терилди.

Мурод Қурбонов, Асрор Ҳайдаров, Ҳайдар Усмонов, Рашид Раззоқов ўртоқлар бошлиқ бригадалар энг юқори кўрсаткичларга эришди-лар.

Механик-ҳайдовчилар мусобақасида Мурод Қурбонов, Ҳасан Хониев, Ражаб Маҳмадов, Мардон Абдиев ўртоқлар пешқадамлик қил-лаётирлар. Шу кунга қадар «зангори кема» букерларидан 150—200 тоннадан «оқ олтин» тўққан бу азаматлар бошқаларга намуна бўлаётирлар. Ҳар гектари-дан олинган ҳосилдор-ликни 45 центнерга етказиш учун кураш бораётир.

ТУРСУНО 272 ТОННА ПАХТА ТЕРДИ

ЧИНОЗ. Ташаббускор пахтакор Турсуно Охун-ова бошлиқ бригада деҳқонлари ун иш кун-ида пахта тайёрлаш йиллик ҳажмини бажар-дилар. 84 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 37,3 центнердан ҳосил йиғиб олинди.

Икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, ажойиб пахта устаси Охунова ўз терим агрегати моҳирлик билан бошқариб, ҳаммани қўли қолдирди. Унинг хирмонга тўққан пахта-си 272 тоннадан ортиб кетди.

▲ Ҳосилдорлиқни 62 центнерга етказиш юза-сидан берган ваъдасини, — дейди Турсуно, — 22 октябргача, ал-батта, бажаримиз.

ОБЛАСТЬ МАТБУОТ МАРКАЗИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ШУҲРАТ БАЙРОҒИ
КЎТАРИЛДИ

ОҚҚЎРҒОН. Ўтган кунин район марказида эллик центнер-чилар ташаббусига қўшилган «Ленинизм» колхозидан Ш. Эсонбоев, С. Сегизбоев номи совхоздан Т. Тошпўлатов, С. Тўраев, П. Хўжамқулов ўртоқ-лар бошлиқ бригадаларнинг пахтакорлари шарафига меҳ-нат шуҳрати байроғи кўтарил-ди. Районда биринчилар қато-ри пахта тайёрлаш планини бажарган бу ўртоқлар бош-лиқ бригадаларнинг коллек-тивлари шу кунларда эллик центнерлик маррани кўлаб иш олиб бораётирлар.

«ПЕДАГОГ-80» ҲАРАКАТДА

Ҳозирги кунда ҳам-ма пахтакор. Чиноз районидagi Навоий номи колхозда таш-кил этилган 53 киши-дан иборат комсомол-ешлар зарбдор отряди — «Педагог-80» те-ринида гайрат ва ши-жоат кўрсатмоқда. Ёш теримчилар ҳар кунини ўрта ҳисобда 70 кило-граммдан «оқ олтин» термоқдалар. Айниқ-са, Қ. Бекжонов, Я. Серсенова, Қ. Муса-кулова сингари ўртоқ-лар бошқаларга нобрат бўлаётирлар. Улар ҳар кунини 110—120 ки-лограммга етказиб пахта тайёртирлар. От-ряднинг мавсум боши-дан буён терган пах-таси 16 тоннага етди.

ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ

КОММУНИСТИК. Соци-алистик мусобақа алгорлари бўлган, механик-ҳайдовчи-

ларини ҳам моддий, ҳам маъ-навий рағбатлантириш ажой-иб самара бераётир. Яқин-да районда бир гуруҳа ме-ханик-ҳайдовчиларга тента-нали равишда уларнинг ўз портретлари топширилди. Булар орасида «Ленински йўл» колхозидан З. Бурхо-нов, «Политотдел» колхозидан А. Ким, О. Ўли, «Прав-да» колхозидан Қ. Мамажо-нов ўртоқлар бор эди. Бу моҳир механизаторларнинг ҳар бири шу кунга қадар 120—140 тоннага етказиб «оқ олтин» териб топшир-ди-лар.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

БЕКОВОД. Яқинба-ба кунин Ленин номи колхоз пахтакорлари район маданият уйи хаваскорлари томонидан берилган концерт-ни мириқиб томоша қилдилар. Бундай кон-церт Дзержинский номи колхозда ҳам бўлиб ўтди. Бекобод шаҳри «Хорак» халқ ансамбли репертуари хилма-хил куй, қў-шиқ, рақсларга бой бўлди.

«Тобода» колхоз деҳқонлари эса Бекобод шаҳар маданият уйи вокал-чолгу ансамбли қатнашчилари иштирокидаги концерт-ни мамнуният билан томоша қилдилар.

Ҳозир районда 57 та агитбригада фаоли-ят кўрсатмоқда. 127 та кўча кутубхона ишлаб турипти. «Би-лим» жамияти лектор-лари мавсум бошидан бери қишлоқ меҳнат-кашлари ўртасида 55 дан ортиқ лекция ва суҳбатлар ўтказдилар.

Областимизнинг азамат қишлоқ ҳўжали-ги меҳнаткашлари 6 кун давомидида йиллик ҳажмга нисбатан 6 процентдан ошириб пахта тайёрлади-лар. Ўтган кунин эса дав-латга топирилган пах-та 5,10 процентни таш-кил этди. Бу — колхоз-чилар, совхоз ишчилари, мутахассислар қаҳрамон-она меҳнати, партия, совет ташкилотлари олиб бораётган катта сиёсий, ташкилотчилик ишлари-нинг натижасидир.


БўКА. ГАЛАБА РАЙ-ОНЛАРИНИНГ ФИДО-КОР ДЕҲҚОНЛАРИ ЎТ-ГАН КҮНИ 6 ПРОЦЕНТ-ДАН ОШИРИБ ПАХТА ТАЙЁРЛАШ МУСОБАҚА-ДА ҲАМОН ПЕШҚАДАМ-ЛИК ҚИЛМОҚДАЛАР.

ОҚҚЎРҒОН. БЕК-ОБОД. ПИСКЕНТ. КОММУ-НИСТИК РАЙОНЛАРИ ПАХТАКОРЛАРИ ҲАМ БҶШ КЕЛМАЕТИРЛАР.

Марра яқин. Шу кун-ларда ҳар дақиқа ғайямат. Колхоз ва совхозларда йи-ғим-теримни илгарилаш таж-рибаси асосида ташкил этиб, суръатини бўшатиримайлик!

«Зангори кема»ларнинг ишини икки сменида ташкил этиб, уларнинг тула узун билан ишлашини таъмин этайлик.

Зиммага олинган юксак социалистик маж-буриятларимизни муваф-фақиятли бажариш учун узаро мусобақани тобора авж олдирайлик. Бутун куч — йиғим-теримга!

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ
БОРИШИ ЮЗАСИДАН 29 СЕНТЯБРГАЧА

БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта, учинчи устун — мавсум бо-шидан буён, тўртинчи устун — шу жумладан машинада бир кунда терилган, бешинчи устун — мавсум бошидан буён (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан про-цент ҳисобида)

Бўка	6,02	86,39	6,95	90,74
Галаба	6,01	83,13	4,29	83,84
Пискент	5,00	74,81	5,83	79,00
Бекобод	5,00	74,76	3,45	59,70
Оққўрғон	5,00	72,08	4,55	62,08
Янгийўл	4,00	71,01	5,76	57,38
Чиноз	4,70	70,11	4,65	65,64
Коммунистик	5,00	60,18	5,29	52,23
Ўрта Чирчиқ	4,50	54,60	4,90	53,99
Область бўйича:	5,10	73,48	5,01	69,17

Республика областларида пахта тайёрлашнинг бориши (умумий пахта тайёрлаш ҳажмига нисбатан процент ҳисоби-да): Бухоро — 62,81; Қашқадарё — 58,94; Сурхондарё — 56,19; Фарғона — 46,91; Жиззах — 41,68; Самарқанд — 41,66; Хоразм — 41,61; Андижон — 38,10; Сирдарё — 36,69; Қорақалпоғистон АССР — 36,39; Наманган — 31,60; Респу-блика бўйича — 46,90.

«ЛЕНИНГРАД» ЛИКЛАРДАН ЎРНАК ОЛИНГ!

ГАЛАБА. Техникага таъиниб, меҳнатда ушшоқлик намуна-ларини кўрсатиб меҳнат қилаётган «Ленинград» колхоз пахтакорлари дастлабки доводдан ошдилар. Ҳозиргача ҳар гектар ердан 37,3 центнердан, жами 2720 тонна «оқ олтин» топирилиб, йиллик пахта тайёрлаш ҳажми муддатидан ил-гари ошириб адо этилди.

Шуниси қувончлики, бу ҳосилнинг деярли барчаси «зангори кема»ларда терилди ва биринчи марта топирилди. Бригадалар ўртасида ўтказилган мусобақада Абдулло-сим Бейсенов, Ғаффор Жунусов, Алексей Югай, Абдулхай Абдуқодиров ўртоқлар бошлиқ коллективлар юқори кўрс-аткичларга эришдилар. Бу бригадаларда ҳозиргача ҳар гек-таридан 38—41,5 центнердан пахта йиғиб олинди.

Теримда механик-ҳайдовчилар жасорат кўрсатмоқдалар. Мадий Шарипов хирмонга уйган пахта 210 тоннадан ортиб кетди. Сафар Худойберганов 200 тоннага етказиб пахта те-риб топирибди.

Далаларни айланган киши ҳали ҳосилнинг чўғи мўлғилгини кўриб қувонди. Терим суръати сира бўшатирилмаётир. Пешқадим колхоз меҳнаткашлари ўз иқомиятларини ҳисоб-лаб чиқиб, ҳосилдорлиқни 50 центнерга етказиш, яна дав-латга кам деганда 900 тонна пахта сотишга аҳд қилдилар. Бу юксак мажбурият узоғи билан 20 октябргача бажари-лади.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ ЛУБКОРЛАРИ ЗАФАРИ

Ўрта Чирчиқ райони луб-корлари катта меҳнат гала-басини қўлга қиритишди. Улар давлатга қаноп пояси сотиш бўйича плании об-ластда биринчи бўлиб ба-жардилар. 4 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ҳозирнинг ўзида 181,5 цент-нердан ҳосил олинди, дав-лат қабул пунктларига 72,6 минг тонна қимматли хом ашё етказиб берилди.

Бў йил Охунбобоев но-ми, Терешкова номи, «Ком-мунизм», «Ленин йўли», Кўйишев номи, «Партия

XXII съезди» колхозлари лубкорлари, айниқса, мўл қаноп ҳосили еттиштирди. Бу хўжаликларда давлатга қаноп пояси сотиш планларини анча ошириб адо этилди.

КПСС XXVI съездининг му-носиб меҳнат совғалари би-лан кутиб олишга аҳд қил-ган район лубкорлари ўз им-кониятларини ҳисоблаб чи-қиб, қаноп ҳосилдорлигини 200 центнерга етказиш ва давлатга жами 80 минг тон-на «қўқ олтин» топиришга аҳд қилишди.

ҲАШАРЧИЛАР ҲИММАТИ

Оржоникидзе районидagi Р. Мусамуджоев номи совхоз-заводнинг 13-бригада-сида ҳозир ҳосил йи-ғим-терими айни қизган палла.

Бў йилимизгина эмас, умуман совхозимиз йиллик планини бугун-эрта бажара-ди, — дейди 2-бўлим бош-қарувчиси Обиджон Султо-нов. — Бунда бизга амадлик ёрдам бераётган шаҳарлик ҳашарчиларимизнинг ҳам катта улушлари бор.

Бўлим ишчилари саба-вог топириш планини 98 процент, картошка топи-риш планини 98,5 процент бажариб қўйдилар. Бу мах-сулотларнинг ҳаммаси пой-тахтнинг Ҳамаа райони ме-диаткашларига тортиқ этил-ди. Улар совхоз ишчилари-га мададкор бўлиш истаги-да совхозни ўз оталиқлари-га олиб, ҳосилни йиғиб-те-риб олишда яқиндан ёрдам бермоқдалар. 230 дан зиёд

ҳашарчи 13-бригада дала-сида меҳнат қилиб, кунига 20—25 тонна ҳосилни йи-ғиб-тўлаб бермоқда. Ер-дамчилар кейинги беш кун-ида бригада хирмонига 190 тонна пиез, 40 тонна картошка, 70 тонна қовоқ, 30 тонна сабзи тўқидилар.

Совхоз ва бўлим раҳбар-лари, 13-бригада аъзолари ўзларига яқиндан ёрдам бераётган ЎзССР ФА Пре-зидиуми ва «ФАН» нап-риети, геология министрли-гига қарашли ишчилар таъ-миноти бошқармасининг Тошкент бўлими. Давлат махсус конструкторлиги бо-роси (ГСКБ) ваби ташқи-лотларнинг коллективлари-дан миннатдор бўлишмоқда.

Феруза Набижониева, Гули Мусамбетова, Моҳира Сали-мова, Дилфуза Париева, Рустам Обидов, Саидмурод Хўжаевлар бошқаларга ноб-рат бўлмоқдалар.

У. СОДИҚОВ.

ОБЛАСТЬ ЖУРНАЛИСТЛАРИ УЧУН МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

Ўтган шанба кунин Тош-кент область партия коми-тети пропаганда ва агитация бўлими область журналист-лари учун матбуот конфе-ренцияси ташкил этди.

Матбуот конференциясида область қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариш бошқармаси бошлиғи А. Р. Раҳмонов 1980 йил-юксак социалистик

мажбуриятларини бажариш йўлида областимиз пахта-корлари олиб бораётган иш-лар тўғрисида ахборот бер-ди.

Матбуот конференциясида А. Р. Раҳмонов область, шаҳар ва район газеталари журналистларини қизиқтир-ган саволларга жавоб бер-ди.

тақсидиди. Бироқ, бу тақсиди
лифларни АҚШ, Исроил, Хи
той ва бошқа урушқок кучла
рад этмоқедолар.

Халқларнинг ўз мустақилли
ги учун кураши тарихи мурак
каб низоли маънавлар музаки
ралар столида музаффақият
ли ҳал бўлганлигини кўп мар
та кўрган. Икки мамлакат ўз
тасидига низоларни тевроқ ҳа
тишдан Форс кўрфаз халқ
лар манфаатдордир.

3 PRELIER

